



Акмал ЮЛДАШЕВ
катта илмий ходим-изланувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
akmal1909@mail.ru

ИДИОМАТИК ҚЎШМА СЎЗЛАР ЯСАЛИШИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТОНИМИЯНИНГ ЎРНИ

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги концептуал метонимия орқали ясалган идиоматик қўшма сўзларни лингвокогнитив аспектда, контекст ёрдамида таҳлил қилиш масаласи тадқиқ этилган. Шу билан бирга олам лисоний манзарасини яратишда тил луғат бойлигида салмоқли ўрин эгаллаган идиоматик қўшма сўзларнинг ўрни ҳам кўриб чиқилган.

В статье исследуются английские и узбекские идиоматичные сложные слова, образованные концептуальной метонимией, с помощью контекстуального анализа. В статье также рассматривается роль идиоматичных сложных слов, которые занимают значительное место в словарном составе языка, в создании языковой картины мира.

This article will discuss English and Uzbek idiomatic compound words formed with the aid of conceptual metonymy in linguacognitive aspect by means of contextual analysis. Moreover, it is devoted to the description of the role of idiomatic compound words in the formation of linguistic worldview, which occupies a significant place in the vocabulary of the language.

Калит сўзлар: синекдоха, контекст, когнитив майдон, концептуал метонимия, майдон-восита, майдон-нишон.

Ключевые слова: синекдоха, контекст, когнитивная область, концептуальная метонимия, область-средство, область-цель.

Key words: synecdoche, context, cognitive domain, conceptual metonymy, vehicle domain, target domain.

Сўз маъносининг кўчиши тилшунослар эътиборини ўзига доимо жалб қилиб келган. Тилшунослик фанининг структурал-функционал босқичида сўз маъносининг кўчиши асосан метафорик ва метонимик йўл билан амалга оширилиши кўрсатиб келинган(4, 10).

Ўзбек тилшунослигида метонимияга берилган таърифлар асосан умумийликни ташкил қилади шу билан бир қаторда айрим ишларда

синекдоха метонимиядан фарқланади(5, 100). Метонимия йўли билан маъно кўчиришда икки предмет ёки воқеа-ҳодиса, тушунчанинг ўзаро алоқадорлиги асос қилиб олинади. Тилшуносликда лексик метонимия ва унинг турли кўринишлари кенг тадқиқ этилган(9, 223–229). Улар моҳият — ҳодиса, муаллиф — асар, хомашё — маҳсулот, ҳаракат — натижа каби тизимлар йўналишидаги алоқадорликни қамраб олади. “Метонимия ўзбек тилида метафора даражасидаги фаол ҳодиса ҳисобланади. У, тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро адоқадор бўлишига асосланган кўринишидир”(5, 100; 8, 17).

Синекдоха ҳам метонимия каби икки алоқадор нарса-ҳодисани ва унинг қисмлари ёки белгиларини ифодалаш асосида намоён бўлади. Синекдохада, одатда, бир предметнинг белги-хусусиятлари бошқа предметга бутун ва қисм асосида кўчирилади. Шунга кўра, бутуннинг номи қисм, қисмнинг номи бутун билан аталади. Кўринадики, нарса-ҳодиса билан ўзаро алоқадорлик синекдоха йўли билан маъно кўчиришда ҳам юз беради. Масалан, “боши боғлиқ” “турмушга чиқишга келишиб қўйилган, унаштирилган” бирикмасининг фразеологик маъноси ўзаро алоқадорлиги, яъни метонимик кўчириш асосида шаклланган.

Жаҳон тилшунослигида синекдоха метонимия таркибига киритилади. Жумладан, Л. А. Булаховский ва И. В. Арнольд фикрларига кўра “ўзаро партитив санок муносабати бўлишига кўра бир номнинг бошқаси билан алмашилишидан иборат бўлган метонимиянинг турли-туманлиги синекдоха деб аталади”(2, 57–58; 1, 86). Тадқиқотимиз давомида биз ҳам шу таърифга асосланамиз. Қуйида метонимияга берилган таърифлар ҳам юқоридаги фикрларни давом эттиради.

XXI асрга келиб, тилшунослик фани тараққиёти когнитив-семантик ва лингвокультурологик йўналишларга эътиборнинг кучайиши билан характерланади. Шундай экан, сўзнинг маъно кўчиш усуллари билан бири — метонимияга ҳам когнитив ёндашув долзарб масалалардан биридир.

Америкалик олимлар Д. Лакофф ва М. Жонсоннинг фикрича, метонимик концептлар инсон томонидан ортирилган билим орқали озикланиб, метафорик концептларга нисбатан анча равшан ва одатда, метонимия аниқ физиологик ёки ассоциатив кўрсатмага эга бўлади(13, 38).

Когнитив тилшунослик соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар Ф. Унгерер ва Х. Шмидт метонимияларни ясаиш усулига кўра энг фаол метонимик моделларга ажратадилар;

Part For Whole (all hands on deck) — бўлак-бутун.

Whole For Part (to fill up the car) — бутун-бўлак.

Container For Content (I'll have a glass) — контейнер-контейнер ичидаги предмет.

Material For Objects (a glass, an iron) хомашё — предмет.

Producer For Product (buy a Ford) — ишлаб чиқарувчи-маҳсулот.

Place For Institution (talks between Washington and Moscow) — жой-муассаса.

Place For Events (Watergate changed our politics) — жой-воқеа.

Controlled For Controller (the buses are on strike) текширилувчи-текширувчи.

Cause For Effect (his native tongue is German) — сабаб-натижа(12, 115–116).

Метонимия йўли билан маъно кўчириш, асосан, идиоматик кўшма сўзлар (ИҚС) маъносини шакллантиришда содир бўлади. Бунда А. И. Смирницкийнинг “идиоматик кўшма сўзнинг умумий маъноси компонентлар маъноси йиғиндисидан келиб чиқмайди”(7, 117) деган таърифига таяниш мумкин. Бунда концептуал-метонимия типига маъно кўчиши юз беради. Чунки бу ҳолатда одам тана аъзоларининг номлари шахснинг ўзига нисбатан қўллана бошлайди. Демак, қисмнинг номи бутунни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, “калла” ва “head” соматик лексемалари ИҚСлар таркибида шахсга хос бўлган хусусиятларни, уларнинг характерини, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни ифодалайди: *хомкалла*, *blockhead* каби.

Д. Лаккоф метонимияда миллийликнинг акс этиши ва қисм бутун билан номланишига қуйидаги мисолни келтиради: “Агар мендан ўғлингизнинг расмини кўрсатинг деб сўрасангиз, мен сизга ўғлимнинг юзи (бош қисми) туширилган расмини кўрсатаман ва сиз шу билан кифояланиб, ўғлим ҳақида умумий тасаввурга эга бўласиз, аммо мен аксини, яъни фақатгина юзи туширилмаган (бошсиз танаси) расмини кўрсатсам, сиз, албатта, бу ҳолат билан қониқиш ҳосил қилмайсиз, ҳаттоки у кимга ўхшайди? деб сўрашингиз табиий”(13, 37). Келтирилган мисолдан кўринадики, инсоннинг биргина бош қисми орқали, ўша инсон ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин, яъни ўртача неча ёшдалиги, тахминий вазни (семиз ёки озғинлиги) ва ҳоказо. Шунинг учун бўлса керак, хужжатларни, расмийлаштирилишда инсоннинг фақатгина бош қисми туширилган расми талаб қилинади. Машҳур италиялик rassom Леонардо да

Винчи мўйқаламига мансуб “Моно Лиза” расмини олайлик. Шу кунгача аёлнинг бўксадан тепа қисми қанчадан-қанча инсон онгида шаклланаётган фикр ва мулоҳазалар, ҳатто мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу ҳолат қисмда бутунни (Part For Whole) англатади. Бундай ҳолатларни инобатга олиб, метонимик ҳосила маъно пайдо бўлиши фақатгина тил ҳодисаси эмас, балки инсон тафаккурида босқичма-босқич амалга оширилган когнитив жараёнлар, деиш ўринли.

ИҚСларни адресат биринчи бор эшитганда, унинг асл маъносини тушунмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда контекст орқали ИҚС англатаётган маънони англаш учун аввало у қайси концептнинг когнитив майдони эканлигини англаш зарур.

ИҚСлар когнитив механизмлардан концептуал метонимия орқали ҳам ясалади. Манчестер университети олимлари В. Крофт ва Д. Круз концептуал-метонимия иккита когнитив майдон, яъни майдон-восита (vehicle domain) ва майдон-нишонни (target domain) ўз ичига олишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, метонимияда майдон-воситанинг вазифаси фақатгина майдон-нишон тузилишини аниқлашдан иборат бўлади(14, 193).

Метонимик кўчиришлар ёрдамида ҳосил бўлган ИҚСлар маъносини контекст орқали таҳлил қиламиз.

Тоҳир юмшоқ ерга йиқилгани учун ҳеч қаери лат емади. Лекин катта жанг арафасида шундай аҳмоқона йиқилиши унга маъшум бир фалокатнинг хабарчисидек туюлди. У қаҳр билан сўқиниб, Маматга эгарни кўрсатди.

— *Айилни ким бўшатиб қўйган эди?*

Мамат кечаси от дам олсин деб бўшатиб қўйган айилни эрталаб маҳкамламаганини энди пайқайди.

— *Тўполонда эсимдан чиқибди-я! Ҳей, мен хомкалла!(6, 468).*

Хомкалла ИҚСнинг луғавий таснифи қуйидагича: ҳеч нарсани тушуниб етмайдиган инсон(15, 408). Ушбу ИҚС ни компонентларга ажратиб таҳлил қилганимизда, биринчи компоненти когнитив механизмлардан бири бўлган концептуал метафора иккинчи компоненти эса концептуал метонимия йўли билан ясалганлигига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда Е. С. Кубрякованинг когнитив жараёнларга берган таърифи ўринлидир: “Ҳар қандай тил ҳодисаси когниция ва коммуникация кесишган нуқтада тадқиқ этилсагина ўринли тавсифланган ва изоҳланган деб ҳисобланиши мумкин”(3, 11). Келтирилган таърифни компонентларнинг таърифи орқали изоҳлаймиз.

ИҚСнинг иккинчи *калла* компоненти қуйидаги луғавий маънога эга: бош; уч, чўққи; ақл, жониворларнинг боши, одам гавдасининг юқори

қисми(15, 299). ИҚС маъноси шаклланишининг дастлабки босқичида *калла* сўзи билан боғлиқ концептнинг “инсон танасининг бир қисми”, “контейнер сифатида кўриб чиқилувчи”, “қулоқ, бурун, кўз ва оғиздан иборат тузилма” тавсифлари асосий ўринни эгаллайди ва *хом* компоненти билан акс эттирилган концептнинг тавсифлари билан уйғунлашади. Биринчи компонент бўлган *хом* маъноси қуйидагича: яхши қайнамаган ёки пишмаган; етилмаган, ғўра; охиригича пишмаган; тажрибасиз(16, 408). *Хом* компоненти билан акс эттирилган концептнинг “ғўра” ва “тажрибасиз” таснифларига, *калла* компонентининг “инсон танасининг бир қисми” билан ўзаро уйғунлашади.

Бу ўринда контекстуал ахборотни ҳисобга олиш *калла* компонентининг — ИНСОН модели бўйича метонимик ҳосила маънони юзага келтирганини тушуниб олиш имконини беради. Мазкур контекстаги “...от дам олсин деб бўшатиб қўйган” ҳамда “тўполонда эсимдан чиқибди-я! Ҳей, мен ...” нутк бирликлари воситасида метонимик маъно кўчиши кузатилади. Ушбу маъно кўчиришининг майдон-воситаси ИНСОН ТАНАСИНИНГ ҚИСМИ, майдон-нишон эса ИНСОН ҳисобланади.

Инферент ва қомусий билимлар ҳисобига ўзаро мослашувчан “ғўра”, “тажрибасиз”, “салбий муносабат уйғотадиган”, “ҳеч нарсани тушуниб етмайдиган” тавсифлари орқали салбий коннотативлик юзага келади. Шу тариқа “тажрибасиз, ғўр, салбий муносабат уйғотадиган, ҳеч нарсани ўз вақтида тушуниб етмайдиган инсон” каби изоҳлар *хомкалла* ИҚСининг маъносини шакллантиради.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ўхшаш мисолларни таҳлил қиламиз.

“Miss Emma was with her uncle at the masquerade at Carlisle House, where she had gone, as the people at the Warren told mr, sorely against her will. What does your blockhead father when he and Mrs Rudge have laid their heads together, but goes there when he ought to be abed, makes interest with his friend the doorkeeper, slips him on a mask and domino, and mixes with the masquers”(11, 113).

Head компоненти қуйидаги луғавий маъноларга эга: the part of the body containing the eyes, ears, nose and mouth, and the brain(16, 606). Қўшма сўз маъноси шаклланишининг бошланғич босқичида *head* компоненти худди ўзбек тилидагидек концептуал таҳлилга эга бўлганлиги сабаб, инглиз тилидаги изоҳи билан кифояланамиз. Эътиборни иккинчи компонент — *block* — a solid usually straight-sided mass or piece of hard material such as wood or stone(19, 133)га қаратамиз. *Head* компоненти билан боғланадиган

концептнинг перспективлашуви жараёнида тавсифлар таъсирида *block* компонент билан акс эттирилган концептнинг “чиғир” деб номланувчи тавсифи фаоллашади, ҳамда “тўсиқ” деб номланувчи когнитив соҳага ишора қилади. Ушбу когнитив соҳадан “контейнерларда сақланиш хусусияти” деб юритиладиган ўзгарувчан тавсиф олинади. Сўнг ҳар иккала концептнинг перспективлашадиган марказий тавсифларининг мослашуви ва *block* компоненти билан акс эттирилган концептнинг ўзгарувчан тавсифи уйғунлашуви содир бўлади. Бироқ қўшма сўз маъносининг кейинги шаклланишида контекстуал ахборотни ҳисобга олиш керак, чунки контекстуал ахборот *head* компоненти билан боғлиқ концептда ИНСОН ТАНАСИННИНГ БИР ҚИСМИ-ИНСОН модели бўйича метонимик кўчириш юзага келганлигини тушуниш имконини беради. Юқоридаги контекстда *you*, *father*, *he* нутқ бирликлари метонимик кўчиришда восита бўлганлиги кузатилади. Ушбу метонимик кўчиришнинг майдон-воситаси ИНСОН ТАНАСИННИНГ ҚИСМИ, майдон-нишони эса ИНСОН ҳисобланади. Шу тариқа ИНСОН майдон-нишонида “ИНСОН” тавсифи перспективлашади.

Ўзаро мослашувчан тавсифлар “калтафаҳм” (миясида чиғир, тўсиқ бор), “салбий муносабат уйғотадиган” — салбий коннотация тавсифлар юзага келади. Шу тариқа, *blockhead* қўшма оти билан боғланадиган концепт куйидаги тавсифларни ўз ичига олади: “миясида чиғир ёки тўсиқ бор, калтафаҳм инсон”. Айнан шу тавсифлар мазкур ИҚСнинг маъносини белгилайди.

Шу ўринда қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларида “миясида чиғир ёки тўсиқ бор, калтафаҳм инсон” маъносини англлатувчи *blockhead* ва *хомкалла* ИҚСларининг семантик тузилишига эътибор қаратиш лозим. Ўзбек тилида “калтафаҳм” инсонни “хом”, “пишмаган” ва “етилмаган” маънолари инобатга олинган. Инглиз тилида эса худди шундай инсон *block* — миясида “тўсиқ, чиғир” бор маъносида қўлланган. Бундай ҳолат ИҚС ясалишида олам лисоний манзарасининг ўзига хослиги билан изоҳланади.

Хуллас, метонимик кўчиришлар ёрдамида ҳосил қилинган ИҚСлар маъноларининг шаклланиши компонентлар билан ифодаланадиган коцептларга мурожат этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда контекстуал ахборот ва концептуал метонимия деб номланувчи когнитив механизмнинг таъсири ҳисобга олинади. ИҚС билан ифодаланадиган концептни шакллантириш жараёнида иккинчи компонент билан боғлиқ концептнинг қайта қурилиши кузатилади, бу эса “концептуал метонимия” деб номланувчи когнитив механизм таъсири натижаси ёки иккинчи

компонент ёрдамида бериладиган концептнинг биринчи компонент орқали ифодаланган концепт билан аккомодацияси натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. — М.: Просвещение, 1990. — 300 с.
2. Булаховский Л. А. Введение в языкознание. Ч. II. — М.: Госучпедгиз, 1954. — 375 с.
3. Кубрякова Е. С. Образы мира в сознании человека и словообразовательные категории как их составляющие // Известия РАН. Серия литературы и языка, 2006. Т.65. №2. — с 3 —13.
4. Миртаджиев М. М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. Авторед. дисс... док. филол. наук. Т. — 1989. — 45 с.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. — Т.: Mumtoz so`z, 2010. — 288 б.
6. П. Қодиров. Танланган асарлар. II жилд. — Т.: Шарқ. 2010. — 560 б.
7. Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. — М.: Изд. литературы на иностранных языках, 1956. — 260 с.
8. Сувонова Р. А. Ўзбек тилида метонимия. — Т.: А. Қодирий халқ номидаги мероси, 2003. — 108 б.
9. Ўзбек тили лексикологияси. —Т.: Фан. 1981. —314 б.
10. Хажиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ масалалар. ф.ф.н., доц., авторед. — Т., 2007. — 26 б.
11. Charles Dickens. Barnaby Rudge. Penguin Classics. — 667 p.
12. Friedrich Ungerer, Hans-Jorg Schmid. An Introduction to Cognitive Linguistics. Second edition. Great Britain: PEARSON LONGMAN, 2006. — 396 p.
13. George Lakoff and Mark Johnson. Metaphors we Live by. — London: The University of Chicago Press, 2003. — 193 p.
14. W.Croft, D.Alan Cruse. Cognitive Linguistics. Published in USA. — New York by Cambridge University Press 2004. — 374 p.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати — Тошкент, ЎЗМЭ. 2006-2008. 5 жилдлик. (I жилд. — 680 б. II жилд. — 672 б, III жилд. 688 б, IV жилд. 608 б, V жилд. — 592 б.)
16. Longman Dictionary of English Language and Culture – London, 2006. — 1620 p.